

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАҲМУДОВ АЛИШЕР ЙЎЛДОШЕВИЧ**

**Г.Э.ЛЕССИНГ ИЖОДИДА ШАРҚ ВА ҒАРБ ВОҚЕЛИГИНИНГ**  
**ТАВСИФИ (ҚИЁС ВА ТАРЖИМА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philological science**

**Махмудов Алишер Юлдошевич**

Г.Э.Лессинг ижодида Шарқ ва Ғарб воқелигининг тавсифи (қиёс ва таржима).....3

**Махмудов Алишер Юлдошевич**

Характеристика реальностей Востока и Запада в творчестве Г.Э.Лессинга (сопоставление и перевод).....25

**Makhmudov Alisher Yuldoshevich**

Description reality of the East and the West in the works of G.E.Lessing (comparison and translation) .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....47

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАҲМУДОВ АЛИШЕР ЙЎЛДОШЕВИЧ**

**Г.Э.ЛЕССИНГ ИЖОДИДА ШАРҚ ВА ҒАРБ ВОҚЕЛИГИНИНГ**  
**ТАВСИФИ (ҚИЁС ВА ТАРЖИМА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil403 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети вебсаҳифасида (buxdu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Холбеков Муҳаммад Нурқосимович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Насруллаева Нафиса Зафаровна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Саидов Сано Саидович**  
филология фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-29-14; e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Д.С.Ўраева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

**З.И.Расулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф. н., доцент

**М.М.Жўраева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д. (DSc)

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда юз бераётган глобаллашув шароитида адабиётшунослик илмий мактабларида Европа маърифатпарварлик адабиётининг такомил хусусиятларини ойдинлаштириш, бадий асарлар асосида халқларнинг маданияти, турмуш тарзи, тарихи, урф-одат ва анъаналари, миллий қадриятлари билан яқиндан танишишга бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Инглиз, немис, рус адабиётшунослигида бу борада салмоқли ишлар қилинган бўлса-да, ундаги Шарқ ва Ғарб воқелиги тасвири масалаларини муайян ижодкорлар асарлари асосида тарихийлик ва замонавийлик тамойилларига таяниб ёритиш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Дунёадабиётшунослигида таржимашунослигида XVII-XVIII асрлар немис адабиётида Шарқ мавзуси, Шарқ ва Ғарб воқелигининг муштарак талқини, диний бағрикенглик ғояси каби масалаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Европа маърифатчилик адабиёти намояндалари ижодида Шарқ ва Ғарб воқелиги тасвири муҳим ўрин эгаллайди. Бадий адабиётда Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари синтезини муайян ижодкор асарлари мисолида адабий таъсир ва типологик аспектда текшириш бу борадаги тадқиқотлар заруриятини белгилайди. Жаҳон адабиётшунослигида улуғ адиблар асарларини бевосита ва билвосита таржима қилиш, уларни қиёсий тадқиқ этиш таржима назарияси ва амалиёти, қиёсий адабиётшунослик каби замонавий фан соҳаларининг такомиллашувига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон адабиёти намояндаларининг энг яхши асарларини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш, адабий алоқаларни янада ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан «... жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини чет тилларига таржима қилиш ишларининг танқидий таҳлили»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ушбу масалаларнинг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши адабиётшунослик ва таржимашунослик соҳаларида ҳам илмий изланишлар кўлами ҳамда кўрсаткичини янада кўтаришга кенг имкониятлар яратди. Хусусан, XVIII аср немис маърифатчилик адабиёти ва унинг йирик намояндаси Готтхолд Эфраим Лессинг ижодида Ғарб ва Шарқ воқелиги масаласини атрофлича илмий асосда текшириш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Ф-4789-сон фармойиши,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши. //Халқ сўзи, 2017 йил 13 январь. -№9 (6703).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-3271-сонли Қарори, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 376-сонли Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари тараққиётининг «1. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Рус ва хориж адабиётшунослигида XVIII аср немис маърифатпарварлик адабиёти тадқиқига бағишланган салмоқли ишлар амалга оширилган бўлса-да, ундаги шарқона мавзулар етарлича тадқиқ этилмаган. Жумладан, Н.И.Конрад<sup>2</sup>, И.Г.Неупокоева<sup>3</sup>, В.М.Жирмунский<sup>4</sup>, ва Д.Дюришин<sup>5</sup>лар томонидан тадқиқотларда Шарқ ва Ғарб воқелигининг адабий жиҳатдан мослиги, турли халқларнинг бадиий тафаккури ҳамда ижтимоий-маданий ривожланишидаги ўхшашлик, халқаро ва маданиятлараро алоқаларга асосланишлар масалаларига эътибор қаратилган.

Ўзбек адабиётшунослигида Шарқ мумтоз адабиёти намуналарининг хорижий тиллардаги талқини ва таржималари ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналарининг ўзбек тилига таржималари ва қиёсий тадқиқи масаласи

<sup>2</sup> Конрад Н.И. Запад и Восток. Статьи. – М.: Наука, 1972. – 520 с.

<sup>3</sup> Неупокоева И.Г. История всемирной литературы. Проблемы системного и сравнительного анализа. – М.: Наука, 1976. – 357 с.

<sup>4</sup> Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л.: Наука, 1979. – 496 с.

<sup>5</sup> Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М.: Прогресс, 1979. – 318 с.

Ф.Сулаймонова, Ж.Шарипов, Ғ.Саломов, Н.Комилов, К.Жўраев, М.Холбеков, Ҳ.Кароматов, К.Кароматова, М.Бақоева, М.Жўраев, Ш.Шомусаровлар, П.Қурбонов<sup>6</sup> каби олимларнинг илмий изланишларида кенг ёритилган.

Ўзбек-немис адабий алоқалари тарихи ва таржима амалиётига доир мавзулар Р.Файзуллаева, Я.Эгамова, М.Жавбўриев, Ш.Каримов, С.Жабборов, С.Очилов, Ғ.Хўжаев, Й.Нурмуродов, У.Сотимов, У.Нурматов, Р.Абдуллаева, З.Содиқов, З.Жуманиёзов<sup>7</sup> каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Жаҳон адабиётшунослигида XVIII аср немис маърифатчилиқ адабиёти ва унинг йирик намояндаси Г.Э. Лессинг ижодига бағишланган қатор тадқиқотлар яратилган бўлса-да, адиб асарларида Ғарб ва Шарқ воқелиги тасвири алоҳида тадқиқот объекти сифатида танланиб, ижтимоий-эстетик ёндашув асосида махсус ўрганилмаган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Қарши давлат университети Хорижий тиллар факультети Немис тили ва адабиёти кафедрасида «Хорижий

---

<sup>6</sup> Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 416 б. Шарипов Ж. Бадиий таржималар ва мохир таржимонлар. – Тошкент: Фан, 1972. – 258 б.; Саломов Ғ.Т. Литературные традиции и проблемы художественного перевода (сопоставительный, стилистический и типологический аспекты): Дисс. ...д-ра филол. наук. – Тошкент, 1982. – 367 с.; Саломов Ғ. Таржима маҳорати. Монография. – Тошкент: Фан, 1979. – 192 б.; Комилов Н. Бу қадимий санъат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 192 б.; Жўраев К. Маъно ва ифода//Таржима санъати. 6-китоб. – Тошкент, 1985. – 178 б.; Холбеков М. Узбекско-французские литературные связи (в аспектах перевода, критики и восприятия): Докт.дисс.Т.,1991. – 58 с.; Бакаева М. Проблемы перевода английской поэзии на узбекский язык (На материале переводов произведений Байрона): Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1980. – 178 с.; Кароматов Х. Истоки, оригинал и узбекский перевод трагедии Кристофера Марло «Тамерлан Великий»: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 205 с.; Кароматова К. Лейтмотивы трагедии Уильяма Шекспира «Макбет» в узбекских переводах: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1989. – 171 с. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Т., 2001. Қурбонов П. Байрон ижодида Шарқ ва шарқона мотивлар тавсифи (қиёс ва таржима): Филол.фанл.бўйича фалс. доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Самарқанд, 2019. –Б.50.

<sup>7</sup> Файзуллаева Р. Бадиий таржимада миллий колоритни қайта яратиш масаласига доир: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1991. – 202 б.; Эгамова Я. Асл нусхадаги қахрамонлар образини бадиий таржималарда қайта яратиш масалалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1974. – 202 б.; Жавбўриев М. Воссоздание национального характера исторического колорита художественном переводе (На материале немецкого перевода романа А.Якубова «Сокровища Улугбека»): канд. филол. наук дисс. – Ташкент, 1991. – 202 с.; Каримов Ш. Восприятие узбекской литературы и действительности в немецком литературоведении и публицистике: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982. – 204 с.; Жабборов С.Ж. Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони» матн талқини таржимаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1995. – 168 б.; Очилов С. Немис поэзиясидан ўзбек тилига таржиманинг баъзи масалалари (Генрих Гейне асарларининг таржима материаллари асосида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. –Тошкент, 1974. – 173 б. Ходжаев Г. Воссоздание художественно-стилистического своеобразия произведений узбекской литературы в переводе на немецкий язык. Дисс. ... канд. филол. наук – Ташкент, 1985. – 180 с.; Нурмуродов Ю. Из истории перевода узбекского фольклора на немецкий язык: Автореф.дисс... кандидата филол.наук. – Ташкент, 1982. – 20 с.; Сотимов У. Из истории переводов произведений немецкой литературы на узбекский язык (в сопоставительном аспекте): Дисс...канд.филол.наук.-Ташкент: ИЯРУз, 1978. – 153 с.; Нурматов У. Трагедия Шиллера на узбекском языке: Автореф.дисс... кандидата филол.наук. –Ташкент, 1985. – с. 18. Абдуллаева Р. Шиллер и узбекская литература (к проблемы литературных взаимосвязи перевода и влияний): Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. –Ташкент, 1986. – 19 с.; Содиқов З. Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг олмонча илмий-адабий талқинлари. Филология фанлари номзоди... диссер.автореферати. -Тошкент, 1994. – 29 б.; Жуманиёзов З. «Равшан» достони немисча таржимасида миллийликни қайта яратиш: Филол.фанлари номз.дисс. –Тошкент: УзРФА ТАИ, 2008. –Б 156.

адабиётшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Г.Э.Лессинг ижодида Шарқ ва Ғарб воқелигининг муштараклиги, диний бағрикенглик (толерантлик) тамойилларининг ёритилишини Европа маърифатпарварлик даври адабиёти контексти орқали очиб бериш, «Донишманд Натан» драмасида акс эттирилган Шарқ ва Ғарб воқелигининг айрим жиҳатини аслият ва унинг ўзбек тилидаги билвосита таржимаси асосида таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

XVIII асрда Ғарбий Европа адиблари ижодида Шарқ ва Ғарб мавзулари ёритилишининг тарихий омилларини аниқлаш;

Г.Э.Лессинг ижодида Шарқ ва Ғарб воқелиги муштараклигини асослаш, Шарқ мавзуси билан боғлиқ жиҳатларни очиб бериш;

адиб асарларида ислом тамаддуни, диний бағрикенглик (толерантлик) ғоялари ва унинг тарихий манбаларини қиёсий тадқиқ қилиш;

«Донишманд Натан» драмаси таржимасида аслият ва воситали тилдан фойдаланиш муаммоларини аниқлаш;

драма таржимасида характер, шарқона тасвир ва ифодаларнинг умумий қонуниятларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Г.Э.Лессингнинг «Донишманд Натан» («Nathan der Weise»), «Фотима» («Phatime»), «Эмилия Галотти» («Emilia Galotti») асарлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Г.Э.Лессинг ижодидан танлаб олинган драма ва трагедияларда Шарқ ва Ғарб воқелигининг акс эттирилиши, тасвирий (услубий) воситаларнинг ифодаси, уларни билвосита ва бевосита тиллараро таржимада тақдим этиш тамойиллари ҳамда диний бағрикенглик (толерантлик) ғоясининг воқеланиш омилларининг қиёсий таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, қиёсий-солиштирма, контекстуал ва компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XVIII аср Европа ва немис маърифатпарварлик адабиётида Шарқ ва Ғарбнинг кўп асрлик маданияти ва тарихининг тараққий этиш омиллари шакллантирилган;

Г.Э.Лессинг асарларидаги Шарқ ва Ғарб воқелигининг ўхшашлиги, тафовутлари аниқланган. Шарқдаги маънавий-ахлоқий категориялар, миллатлар маданияти тарихи, ислом цивилизацияси ва исломий таълимот моҳияти, динлараро бағрикенглик, шарқона ривоятларга қизиқиш, инсон борлиги, шахс маънавий қиёфаси, инсон ижтимоий қиёфасининг ўзига хос хусусиятлари таснифланган;

«Донишманд Натан» драмаси сюжети, «Уч узук ҳақидаги ривоят» ва унинг тарихий манбаларини аниқлаш орқали Шарқ тамаддуни, диний бағрикенглик (толерантлик) ғоялари қиёсий аспектда далилланган;

драма таҳлили орқали аслият ва воситачи тил таржимаси муқояса қилинган, таржиманинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб берилган;

таржимада турли динга мансуб характерлар дунёси, шарқона тасвир ва ифодалар орқали драма бош ғоясининг очиб берилиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

XVIII аср Европа ва немис маърифатпарварлик адабиётининг назарий масалалари, Лессинг ижодининг ўрганилиши, асарларининг рус ва ўзбекча нашрларини аслият билан қиёслаш натижалари жаҳон адабиёти дурдоналари билан бевосита танишиш имконини берган;

Г.Э.Лессингнинг «Донишманд Натан» драмасининг немисча-русча-ўзбекча, «Эмилия Галотти» трагедиясининг немисча-ўзбекча матнларини қиёсий-типологик ва таржимашунослик йўналишида таҳлил қилиш орқали таржимага қўйиладиган асосий талаб асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўрганилган асарларда Ғарб ва Шарқдаги одоб-ахлоқ мезонлари, халқлар маданиятининг ўтмиши, ислом тамаддуни ва исломга оид таълимотнинг мазмун-моҳияти, диний бағрикенглик, инсон тасвири, шахснинг маънавий дунёқараши ҳақидаги фикрлар, инсон ижтимоий онгига хос хусусиятлар очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, чиқарилган хулосаларнинг типологик қиёслаш, қиёсий-тарихий каби таҳлил усуллар билан асослангани, аслият манбаларининг изоҳларда кўрсатилганлиги, хулоса, тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар Лессинг ижодида Шарқ ва Ғарб воқелигининг муштараклигини талқин қилиш усулларини аниқлашда, уларнинг хусусиятларини қиёсий-типологик аспектда тадқиқ қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, немис маърифатпарварлик адабиёти тамойилларини, Лессинг ижодини янада чуқурроқ ўрганишда, дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммалашувида, олий ўқув юртларининг хорижий филология факультетларида «Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти тарихи», «Жаҳон адабиёти тарихи» фанларидан махсус курс сифатида, шунингдек, таржимашунослик таълим йўналишлари ва мутахассисликларида таҳсил олаётган талабалар ҳамда илмий изланувчиларга дарслик, ўқув қўлланма ва тадқиқотлар учун монография, илмий рисоалар яратишда фойдаланиш учун ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Г.Э.Лессинг ижодида Шарқ ва Ғарб воқелигининг тавсифи масаласини жаҳон ва миллий бадиий тафаккури контекстида типологик услубда тадқиқ этиш, адабиётшунослик назарияси илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида:

Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ўртасидаги алоқадорликни ифодалашга оид хулосалардан ОТ-Ф8-002 рақамли «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 апрелдаги 89-03-1512-сонли маълумотномаси). Натижада Г.Э.Лессинг асарларидаги инсон борлиғи, шахс маънавий қиёфаси ҳақидаги мулоҳазалар инсон ижтимоий қиёфасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва бу ҳақдаги фикрлар тараққиётини ифодалашга хизмат қилган;

немис ва ўзбек адабий алоқалари тараққиётини тадқиқ этиш давомида олинган натижалардан Германия Федератив Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси томонидан ташкил этилган республика бўйича немис тили ўқитувчиларининг анъанавий конференциясида фойдаланилган (DAAD Ахборот марказининг 2019 йил 20 майдаги маълумотномаси). Натижада XVIII асрда Европа адабиёти вакилларининг бағрикенглик тамойиллари борасидаги фикрлари семинар материалларини бойитишга хизмат қилган;

Г.Э.Лессингнинг миллат маданияти тарихи, халқнинг интеллектуал билим даражасини ошириш борасидаги қарашларга оид хулосалардан ОТ-Ф8-211 рақамли «XXI аср Ўзбекистон маданияти тарихи» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 апрелдаги 89-03-1512-сонли маълумотномаси). Натижада Г.Э.Лессинг ижодида ифодаланган Шарқ маданияти ва тарихи асосида миллий тарихимиз ютуқлари ва тараққиёт босқичларини ўрганиш, Лессинг томонидан жаҳон тарихи маъносида ҳам диний, ҳам маданий омил тарзида янгича қадр-қимматга эга эканлигини ифодалаш, ғоялар муштараклиги асосида ривожини баён этишда маълум даражада хизмат қилган;

«Qashqadaryo» телеканалининг «Axborot» дастури, «Qashqadaryo» телеканалда тайёрланган «Diyor» янгиликлар дастури, Қашқадарё вилояти «Олтин воҳа» радиоси орқали «Тилга эътибор – элга эътибор» эшиттириши доирасида Шарқ ва Ғарб муштараклигига оид хулосалардан (Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 15 мартдаги 12-15-355-сонли маълумотномаси). Телетомошабин ва радиотингловчиларга Шарқ ва Ғарб воқелигининг муштараклиги, маърифатпарварлик адабиёти, Лессинг ижоди, асарларининг рус ва ўзбек тилларидаги таржималари ҳақида маълумотлар орқали телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар савиясининг оширилишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 24 та анжуманда, шу жумладан, 4 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография ва 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий

натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 135 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Европа маърифатпарварлик даври адабиётида Шарқ ва Ғарб воқелигининг муштарак талқини**» деб номланган. Бобнинг биринчи фасли «XVII-XVIII асрлар немис адабиётида Шарқ тасвири» мавзусида қиёсий таҳлилда таянч нуқта вазифасини ўтайдиган «маърифатпарвар» тушунчаси изоҳланган. Бинобарин, миллатнинг маданият тарихи, халқнинг интеллектуал билим даражасини ошириш, адабиётининг назарий асосларини шакллантиришда ҳисса қўшган мутафаккирларни маърифатпарвар деб аташимиз мумкин.

Ғарбий Европа адабиёти вакиллари В.Шекспир, Вольтер, Г.Лессинг каби буюк маърифатпарварлар ижодида одоб-ахлоқ, тарбиявий мавзудаги асарлар яратишган. Маърифатпарварлик адабиёти вакиллари асарларида Шарқ мавзуси муҳим ўрин туради. Жумладан, Вольтер драматургиясида Шарқ воқелиги диний хурофотларга, эркин фикрни таъқиб қилувчи бидъатларга қарши курашда асосий манба бўлиб хизмат қилганлиги ўз ифодасини топган.

Вольтер «Муҳаммад» («Mahomet», 1742) номли трагедиясида исломият пайғамбарига ҳақоратлар ёғдиради. У ислом дини жоҳилият давридаги халқларнинг ўзаро қонли урушларига чек қўйганлигини, бутпарастлик, зинокорлик, золимлик, тамагирлик, баднафслик, такаббурлик христиан динида ҳам, ислом динида ҳам қораланишини, яхшилик, аҳдга вафо, саҳийлик, меҳр-шафқат ислом динида кадрланишини яхши англамаган ҳолда Муҳаммад пайғамбарни қоралаб ёзади. Бу трагедияда Вольтер икки хил ғоя, икки хил характерни очиб беради. Булардан бири инсонпарварлик, эзгулик, софлик, одиллик бўлса, иккинчиси мунофиқлик, босқинчиликдир. Мазкур трагедияда икки давр тўқнашади. Бири жаҳолат, хурофот, ваҳшийлик бўлса, иккинчиси ақл-идрок, маърифат ва ёруғлик бўлади. Бунда фақат диннинг ўзи эмас, унинг тарғиботчиси ҳам бирдек жирканч ҳисобланади.

Немис маърифатпарварлик адабиётининг йирик вакили Г.Э.Лессингнинг асарларидаги қарашлар ва ғояларни умумевропа маърифатпарварлик

контекстида кўриб чиқиш лозим. Шунга кўра Лессингнинг ижоди, ғоялари маърифатпарварлик ривожига кўшган ҳиссаси ҳақида таҳлил ҳосил бўлади. Вольтер ва Лессинг ижодини қиёсий ўрганар эканмиз, асосли фикрларга таяниб иш кўрамиз. Лессинг Вольтер ҳақида қуйидагича ёзади: «Бир одобли санъатшунос, танқидчи Вольтернинг асарини мактаб, Вольтерга «Заира»ни муҳаббатнинг ўзи ёздирган!» деб хитоб қилади. Лекин мен (Лессинг) муҳаббат ўзи ёздирган биргина асарни – Шекспирнинг «Ромео ва Юлия» сини биламан. Тўғри, (Вольтер асарида) Заира ўз туйғуларини нозиклик ва одоб билан намоиш этади. Лекин Заира тилидаги туйғулар қаёқдаю, Шекспир тасвиридаги туйғуларнинг чексиз товланишлари қаёқда?»<sup>8</sup> Лессинг яна нозик киноя билан: «Эҳтимол, Вольтер жаноблари севги моҳиятини Шекспирчалик билар, лекин одоб сақлаб, кўп нарсаларини яширгани учун, асар муаллифга сира муносиб бўлмай қолган»лигини айтади.

Таҳлилни Уйғониш даврининг охири Шекспир ижодидан бошлаш маъқул. Чунки Шекспир асарлари устидан маърифатпарварларнинг баҳслари, уларнинг дунёқараши каторида маърифатпарварлик ғояларига адабий услубнинг муайян эволюциясини ҳам кўрсатади.

Г.Э.Лессинг фикрича, баъзи санъатшунослар Вольтерни мактаб, у Шекспирнинг оловидан машъалини ёқиб, олдинга бораётгани ҳақида ёзишган. Унинг «Заира» трагедияси инобатга олинса, Вольтернинг кўлидаги ёниқ машъал эмас, балки Шекспирнинг ўчоғидан олинган бир чўғдир. Яна шуниси борки, бу чўғ ёнишдан кўра туташга мойилроқдир. Вольтер Заиранинг ошиғи турк султони Оросман (Ўрхон – Усмон)ни рашкчи сифатида Шекспирнинг Отеллосига қиёслайди. Лессинг эса Оросман билан Отелло орасида ер билан осмонча фарқ борлигини айтади. Вольтер ўз асарини инглизчага таржима қилган Хиллга ҳам хушомадгўйлик қилади, уни мактайди, шу аснода, ўзини улуғлайди. Г.Лессинг француз халқининг енгилтаклиги ва мактанчоқлиги устидан кулади. Улар ўз камчиликларини билмай, ўзини улуғлайвергани учун ижодий ўсмайдилар»<sup>9</sup> деган хулосага келинган.

Вольтер асаридаги Усмон образига Лессинг танқидий қарайди. Табиатан ўта рашкчи бўлган Усмон В.Шекспир асаридаги Отеллога яқин туради. «Қаҳрамоннинг рашки масаласида ҳам шу аҳволни кўрамиз, – дейди Лессинг. Шекспирнинг рашкчи Отеллосига нисбатан (Вольтер драмаси қаҳрамони) рашкчи Оросман жуда совуққон одамдир. Аслида ҳам Оросманни муаллиф Отеллодан намуна олиб ясаган. Колли Сиббер (Colley Cibber, 1671–1757), «Шекспир ёндирган трагедия гулханидан Вольтер ўз машъаласини ёқиб, (бошқаларнинг йўлини) ёритган» – дейди. Мен айтаманки, «Шекспирнинг трагедия гулханидан Вольтер машъала эмас, бир чўғ олган холос. Бу чўғ ҳам ёнмайди, балки тутаб туради... «Отелло» рашк соҳасида ёзилган муфассал дарслиқдир. (Рашк ҳақида ёзадиган кейингилар

<sup>8</sup> Лессинг Г.Э. Избранные произведения. – М.: Государственное издательство художественной литературы, 1953. стр. 525-529.

<sup>9</sup> Маҳмудов М. «Катарсис» сўзининг маънолари тавсифи// «Шарқ юлдузи» журнали. 2010 йил, 6-сон. –150 б.

шу дарсликдан сабоқ оладилар.) Биз (Отеллодан) рашкни қандай қўзғатишни ва ундан қандай қутулишни ўрганамиз<sup>10</sup>. Шекспир асарларининг немисчага таржимаси тугалланган ва нашр этилган.

Шекспир ва Вольтер ижодидаги руҳият ҳамда мазмун-моҳият немис адабиёти вакиллари ижодида ҳам акс эта бошлади. Шунга қарамасдан Германияда ҳам санъат арбоблари Шекспир ижодини тушунишда турлича, бир-бирига зид, умуман олганда, салбий фикрлар мавжуд эди. Готтшед билан Вольтернинг танқидий асарларида Шекспир ижодини қоралашга қарши Г.Э.Лессинг майдонга чиқади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, француз маърифатпарварлари томонидан инсон шахсининг камол топишида ижтимоий муҳит, айниқса, тарбиянинг ўрни ҳақида баён қилган фикр-мулоҳазалар маърифатпарварлик адабиётининг бош мавзуси бўлиб қолди. «Инсон тўғрисидаги инглиз, француз файласуфларининг қарашлари Европанинг бошқа мамлакатларида кенг тарқала бошлади. Эндиликда инсон муаммоси нафақат файласуфлар, балки адабиёт, санъат аҳлининг ҳам диққат марказида бўлди. Бундай ҳолатни немис ватанпарвар ёзувчиси, файласуф ва драматург, танқидчи ва санъат назарийчиси ГоттхольдЭфраим Лессинг ижодида кўришимиз мумкин. Лессинг ўзининг «Инсоният зотининг тарбияси» («Die Erziehung des Menschengeschlechts», 1780) асарида таъкидлашча, ҳар қандай диний қоидалар ақл билан ёритилмаган, унинг қудратли танқидий чиғирғидан ўтмаган бўлса, бундай қоидалар ирим-сиримдан бошқа нарса бўлмайдди. Лекин ҳар қандай диннинг мазмуни ақл ва кишиларга муҳаббат каби умуминсоний ахлоқ руҳи билан суғорилганлиги ҳам ҳақиқат эканлигини унутмаслик зарур, деб ҳисоблайди.

Биринчи бобнинг «Г.Э.Лессинг ижодида Шарқ ва Ғарб воқелигининг муштарак талқини» деб номланувчи иккинчи фаслида Г.Э.Лессинг маърифатпарвар, диншунос, диний бағрикенгликнинг тарғиботчиси сифатидаги фаолияти хусусида фикр юритилган. Г.Э.Лессинг европалик баъзи шарқшуносларнинг ислом цивилизацияси ҳақидаги салбий қарашларига қарши чиқиб, Шарқ воқелигини ёқлаб чиққан. унинг драматик ва диний асарларида Европага хос диний хурофотларга барҳам берилиши тўғрисида фикр юритилган. Адибнинг бош мақсади бадиий ва илмий-фалсафий асарлари орқали мусулмонлар ва насронийлар ўртасидаги ўзаро ҳамжихатлик ва тотувлик ришталарини қайта боғлаш ҳамда Ғарб ва Шарқ ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштириш ғояларини илгари суришдан иборат бўлган. У «Мисс Сара Сампсон» («Miss Sara Sampson», 1755), «Филотас» («Philotas», 1759), «Эмилия Галотти» («Emilia Galotti», 1772) ва «Донишманд Натан» («Nathan der Weise», 1779) драмаларида яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонларни бир-бирига рақиб эмас, балки бир-бирига ҳамдард, ҳамроҳ сифатида кўрсатган. Бу билан адибҳозирги давр ва келажак олдида турган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий масалаларга ечим

<sup>10</sup> Lessing G.E: Gesammelte Werke, in 10 Bänden. Band – 9. Hrsg. v. Paul Rilla, Berlin, 1954–1958. –S.82.

топди ва дунёда динлараро бағрикенглик – толерантлик ғоясини тарғиб қилишга ўз ҳиссасини қўшди.

Француз тарихчиси Франсуа Ожье де Марини (François Augier de Marigny, 1662–1762)нинг «Халифалар ҳукмронлиги остида араблар тарихи» («Histoire des Arabes sous le gouvernement des califes», 1750) асарига қўшимча бадий-диний манба сифатида араблар тарихини анча жонли тарзда ифодалайди. Мазкур асарни Лессинг 1753 йилда француз тилидан немис тилига «Geschichte der Araber unter der Regierung der Kalifen» («Халифалар ҳукмронлиги остида араблар тарихи») тарзида таржима қилган. Бу асарда Шарқ халқларининг турмуш тарзи ҳақида маълумотлар анчагина бўлиб, юнон-римликлар ҳақида маълумотлар кам, ҳатто умуман йўқ эди деса ҳам бўларди. Ўша даврларда араб тилида битилган манбаларни ўрганиш анча мушкул эди. Шунинг учун ҳар бир европалик шарқшунос учун араблар ҳақида битилган асарлар тенги йўқ манба ҳисобланган. Лессинг европалик шарқшунослар томонидан Европа тилларига таржима қилинган арабларнинг бадий ва илмий асарлари билан танишди. У Маринининг ижодини ўрганиш жараёнида баъзи асарларини немисчага таржима қилди. Марини ўз асарларида халифаларнинг 600 йилдан ортиқ ҳукмронлик даври ҳақидаги манбаларни топган ва уларни тарихига тўхталган. Унинг бу ҳақдаги асари 4 қисмдан иборат бўлиб, 3-қисм таржимаси яхши чиққан. Бу асарнинг биринчи қисмида Лессинг, энг аввало, ислом динида пайғамбаримизнинг тўрт халифаси: Абубакр, Умар, Усмон ва Али исмларини тилга олган <sup>11</sup>.

Маринининг «Халифалар ҳукмронлиги остида араблар тарихи» номли асарининг иккинчи қисмида яна кўп маълумотлар келтирилган. Г.Лессинг бу қисмда баён этилган 26 халифа ва араб халқлари тарихини батафсил ўрганиб чиққан. Бу асарнинг иккинчи қисми бешинчи халифа Ҳасан билан бошланган бўлса, 26-халифа Маъмунгача фикр юритилган. Бу қисм ҳижрий 40-йилдан 213- йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Иккинчи қисмда Марини ислом-араб анъаналари ҳақида фикр юритган. Г.Лессинг Шарқ маданияти ва табиатшунослик ҳаддан зиёд гуллаб-яшнаётган бир даврда мусулмон халифалари ал-Мансур (754–775), Хорун ар-Рашид (786–809) ва унинг ўғли ал-Маъмун (813–833) ҳақидаги манбаларни катта қизиқиш билан ўрганди.

Аббосий халифалар ал-Мансур ва Хорун ар-Рашид илм-фан, айниқса, фалсафа, математика, астрономиянинг ривожига хайрихоҳлик билдирибгина қолмай, унинг ривожига ҳомийлик қиладилар. Хорун ар-Рашид даврида Бағдодда кўплаб кутубхоналар ташкил этилади <sup>12</sup>.

Г.Э.Лессинг халифалар ва фуқаролар ўртасидаги инсоний муносабатлар Қуръон манбалари асосида тартибга солинганлигини англайди. Шу асосда у «Халифалар ҳукмронлиги остидаги араблар тарихи» асариинсоннинг ақл-идроки ривожланиш даври учун янги имкониятлар очиб берганини тушуниб етади.

<sup>11</sup> Lessing G.E. Gesammelte Werke. 7-Band. Aufbau-Verlag Berlin. 1956. –S.90.

<sup>12</sup> Сулаймонова Ф. Фарб ва Шарқ. – Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 1997. –Б.192.

Г.Э.Лессинг маърифатпарвар сифатида ўзининг бутун ижодий фаолиятини соғлом фикрли, инсонпарвар ва сабр-тоқатли шахсни тарбиялашга бағишлади. У ҳар қандай хурофий ақидаларга танқидий ёндашди. «Фотима» трагедиясининг ютуғи кейинчалик «Донишманд Натан» драмасининг ёзилишига асос бўлди. Адибнинг «Фотима» трагедияси сюжети инсон тақдири, ундаги фожейлик масаласини ёритишга қаратилган.

Диссертациянинг «**Г.Э.Лессинг ижодида диний бағрикенглик – толерантлик ғоясининг ифодаси**» деб номланган иккинчи бобида турли динларга эътиқод қиладиган халқларнинг қарашларини ўз эътиқоди билан баробар кўриш, ўз фикри билан бошқанинг фикрини баробар яшаш ҳуқуқига эга деб тан олиш, уларнинг тарқалиши ва ривожланишида тенг шароит яратиш ҳақида фикр юритилган. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ичида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳим ўрин тутди. Айтиш мумкинки, XVIII аср Европа маърифатчилиги адабиёти вакиллари толерантлик тамойилларини ўз асарларида кенг кўламда тарғиб қилганлар. Шу қаторда толерантлик, бағрикенглик, саховатпешалик фазилатларини немис адабиётида илк тарғиб қилган машҳур немис адиби, драматурги ва адабиётшуноси Г.Э.Лессинг бўлди.

У араблар ҳаёти ва тарихини ўз ичига олган манбаларнинг катта қисмини ўрганиб чиқар экан, биринчидан, Шарқ таълимотини халқаро ҳамжиҳатлик ва инсонпарварлик фазилатларини ўзида мужассам этган таълимот сифатида улуғлайди ва иккинчидан бу ҳақиқатни нафақат яҳудийлар ва насронийларга, балки бутун дунёга тарғиб қиладди. Г.Э.Лессингнинг ислом дини ва маданиятига бўлган муносабати яҳудийлик, насронийлик ва ислом дини вакиллари сиймоси қиёсланган «Донишманд Натан» драмасида ўз ифодасини топган.

Г.Э.Лессинг «Донишманд Натан» драмасида Шарқ мавзуси ва тафсилотларини ёритиш учун кўпроқ Эрбелонинг «Шарқ кутубхонаси» комуси ва «Минг бир кеча» эртақларига мурожаат қилган. Ғарб ва Шарқ маданиятлари ўртасидаги бадий алоқаларнинг тарихийлиги ҳақида адабиётшунослар орасида ҳамфикрлик бор эди. Бу манба «Минг бир кеча» («Tausendundeiner Nacht») номли араб эртаги, Ж.Боккаччонинг «Декамерон», Пётрус Алфонсонинг «Клирик (руҳоний)га панд-насихатлар» («Disciplina Clericalis») асари ва «Римликлар тарихи» («Gesta Romanorum») асарларига мурожаат қиладди. Р.Ирвин турли миллатларнинг юксак бадий ижоди илк асрларданок таржима қилинган ва етказиб келинганлиги ҳақида фикр юритади<sup>13</sup>.

«Буюк Халифа Ҳорун ар-Рашид (786–809)нинг ҳаёти ҳақида хикоя қилувчи қадимги араб эртақлари Европа эртақларининг яратилишига ҳам асос бўлди. Халифа Ҳорун ар-Рашид «Минг бир кеча» асарида барҳаёт сиймо сифатида тасвирланган ва унинг ҳукронлик даврида араблар давлати ўз куч-қудратини юқори чўққига олиб чиқишган» – деб ёзади Малис Рузвен ўзининг

<sup>13</sup> Robert I: Die Welt von Tausendundeiner Nacht. Frankfurt am Main/ Leipzig, 1997. –S.82.

«Ислом. Қисқа сатрлар» («Der Islam. Eine kurze Einführung») номли асарида<sup>14</sup>. Ж.Боккаччонинг «Декамерон» асаридаги биринчи тарих «Минг бир кеча» тўпламининг илк нусхасидаги тарих эди<sup>15</sup>. Араб эртақлар тўплами бутун дунёга тарқалди. Улар санскрит, юнон, лотин ва бошқа тиллардаги манбаларга киёсланиб, тушуниши анча осонлашди<sup>16</sup>. «Декамерон» асаридаги биринчи тарих тўпламининг еттинчи кун тўртинчи новелласида «Минг бир кеча» эртагидагига ўхшаш ҳолат учрайди<sup>17</sup>. Г.Э.Лессингнинг «Донишманд Натан» драмасига манба сифатида «Декамерон»нинг биринчи кун учинчи новелласида ифодаланган «Узук ҳақидаги ривоят» олиниши ҳам шундан далолат беради. «Салоҳиддиннинг шон-шавкати ниҳоятда сарбаланд бўлиб кетган эди, бир вақтлар ном-нишонсиз фақирона кун кечирган бул зот Бобил султони бўлди, бундан ташқари: у христиан қироллари ва сарацинлар султонлари устидан зафар қозонди, бироқ тез-тез бўлиб турган урушлар ва кечираётган сердабдаба ҳаёт унинг хазинасини совуриб қўйган эди. Бу орада яна унга тўсатдан хийлагина пул керак бўлиб қолади ва у ўзи учун ниҳоятда зарур бўлган ақчани қаердан топиш ҳақида узоқ вақт бош қотириб, ниҳоят, Искандарияда истиқомат қилиб, судхўрлик билан шуғулланувчи Мелхиседек исмли бадавлат бир яҳудий ёдига келиб қолади. «Мана шу одам, – деб ўйлади у, – агар истаса, менга зарур миқдордаги пулни қарз бериши мумкин». Бироқ судхўр хасис одам бўлиб, ўз ихтиёри билан Салоҳиддинга қарз бермаслиги аниқ эди, Салоҳиддин эса унга зуғум қилгиси келмасди, лекин муҳтожлик уни шундай қилишга мажбур этди. Султон қандай қилиб яҳудийни қарз беришга мажбур қилиш ҳақида фикр юрита бошлайди ва ниҳоят ўзининг синчков заковати унга зўравонлик қилмоққа ундайди»<sup>18</sup>.

Ж.Боккаччо Салоҳиддин ва яҳудий учрашувини қуйидагича ҳикоя қилади: «Яҳудий чиндан ҳам донишманд одам эди, шунга кўра, у Салоҳиддиннинг ниятини – қутқуга тушириб уни тилидан илинтирмоқчи бўлганини дарров пайқаб қолади-ю, учта диндан биронтасини ҳам афзал кўрмаслигини айтади. У шундай қилсам, Салоҳиддин ўз ниятига ета олмайди, деб ўйлайди. У ўзини хижолатга солиб қўймайдиган жавоб ахтариб бутун тафаккурини ишга солди...<sup>19</sup>»

Бу ҳолат Лессингнинг «Донишманд Натан» драмасида ҳам ўз ифодасини топган. Жованни Боккаччонинг «Декамерон» асарида яҳудий Мелхиседек томонидан ҳикоя қилинган «Узук ҳақидаги ривоят»дан «Донишманд Натан» драмасида ҳам ижодий фойдаланган.

«Узук ҳақидаги ривоят» манбаларини ўрганиш борасидаги тадқиқотлардан қуйидаги хулосаларга келинди: Педро Алфонсинг «Клирика насихатлар» («Disciplina Clericalis») асари, Жованни Боккаччонинг «Декамерон»и ва XIII асрга тегишли бўлган «Римликларнинг

<sup>14</sup> Ruthven M: Der Islam. Eine kurze Einführung. Stuttgart, 2000. –S.28.

<sup>15</sup> Wieland Ch.M.Geschichte des Weisen Danischmend. 1775. (Ch.M.Wieland: Sämtliche Werke, hrsg. v. Hans Radspieler u. Neu-Ulm. Bd. 8. Hamburg, 1984.). –S.62.

<sup>16</sup> Robert I: Die Welt von Tausendundeiner Nacht. Frankfurt am Main/ Leipzig, 1997. –S.83.

<sup>17</sup> Wolfgang Eitel: Die romanische Novelle. Darmstadt, 1977. –S.64.

<sup>18</sup> Боккаччо Ж. Декамерон. Ф.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. – Т.: 1979. – 43 б.

<sup>19</sup> Ўша манба. – Б.43.

шонли ишлари» номли асарларда қадимги араблар манбаларининг бадиий талқини ва намунасидан фойдаланилган. Араблар тарихига доир бадиий асарлар ёзган муаллифлар юнон, лотин ва бошқа тилларда ижод қилган ёзувчи ва шоирлар эди.

«Юнон, лотин, итальян, испан тилларига келадиган бўлсак, бу тилларда яратилган энг яхши асарларни зўр олмонча таржималарда ўқишимиз мумкин, демак, маълум бир сабаблар бўлмаса, бу тилларни чуқур ўрганишга вақт сарфлаб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ. Олмонларнинг табиатида ҳар қандай хорижий маданиятга ўзига хос тарзда ҳурмат билан қараш, унинг хилма-хил жиҳатларига мослашиш одати бор. Айни шу хусусият ҳамда тилимизнинг қулай имкониятлари таржималарнинг аниқ ва мукамал бўлишини таъминлайди»<sup>20</sup>.

Роберт Ирвин ўзининг «Минг бир кеча дунёси» («Die Welt von Tausendeiner Nacht», 1997) номли китобида бу ҳақда ёзади: «Бу асар («Декамерон») мазмун жиҳатидан аслиятга нисбатан миллийлаштирилган. Ўлат касаллиги туфайли Флоренциядан қочган сарой аъёнлари ҳақида ҳикоя қилинувчи тарихнинг ўндан тўққиз қисми айнан араб эртагига ўхшаш воқеа эди»<sup>21</sup>.

Драма ҳақида Бернд Боте (Bernd Bothe) ўзининг «Лессингнинг дин фалсафасига эътиқод ва эътирофлари» («Glauben und Erkennen – Studie zur Religionsphilosophische Lessing», 1972) номли асарида шундай деган: «Лессингнинг «Донишманд Натан» драмаси на комедия ва на трагедия, бу асар дидактик асар бўлиб, немис адабиётида жаҳон аҳамиятига эга бўлган биринчи драматир»<sup>22</sup>. Бу фикрни Паул Раббе\* қуйидагича тасдиқлайди: «Комил ишонч билан айтиш мумкинки, «Донишманд Натан» драмаси дидактик асарлар сирасига кириб, муҳим шеърӣ драмалардан биридир»<sup>23</sup>.

Г.Э.Лессингнинг динлараро тотувлик, диний бағрикенглик ҳақидаги гуманистик ғоялари султон Салоҳиддин билан донишманд Натан диалогига «Уч узук ҳақидаги ривоят» орқали очилади.

«Донишманд Натан» драмасида олижаноблик хислатига эга бўлган ислом дини вакили – султон Салоҳиддин, Зита, Ал-Ғофийдан образлари каторида яҳудий Натан сиймоси ҳам яратилган. Европада ушбу асар ҳақида турли қарама-қарши фикрлар билдирилган. Европоцентристик ва миллатчилик руҳидаги адабиётшунос олимлар ва театршунослар Г.Э.Лессингнинг яҳудий, насроний ва ислом динларига бўлган муносабатини бузиб талқин қилганлар.

Г.Э.Лессинг драмада илгари сурган динлараро бағрикенглик, жаҳондаги барча халқларнинг урушсиз, низо-жанжалларсиз, тинч-тотув

<sup>20</sup> Эккерман Й.П. Гёте билан гурунглари. (Олмон тилидан Я.Эгамова таржимаси). –Т.: «Ўзбекистон» нашриёти. 2016. – 117 б.

<sup>21</sup> Robert I: Die Welt von Tausendundeiner Nacht. Frankfurt am Main/ Leipzig, 1997. –S.122.

<sup>22</sup> Bernd B: Glauben und Erkennen - Studie zur Religionsphilosophische Lessing. Meisenheim am Glan, 1972. – S.80.

<sup>22</sup> Паул Рабе (1927 йилда туғилган) – немисадабиётшуносолими, маърифатчи.

<sup>23</sup> Rabbe P: Das Lessingshaus in Wolfenbüttel. Ein Literaturmuseum für einen deutschen Schriftsteller des 18. Jahrhunderts. Wolfenbüttel, 1978. –S.26.

яшаши ғояларининг ижтимоий илдизларини яхши англаш учун 200 йил давом этган салиб юришларининг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш зарур. Шарқшунос олим О.Маннинг эътироф этишича, Г.Э.Лессинг султон Салоҳиддиннинг маърифатпарварлик ва тарихий шахс сифатида олиб борган инсонпарварлик хатти-ҳаракатларини Шарқ маданиятининг бир кўриниши деб баҳолайди. Салоҳиддиннинг ижобий томонларини драматург диний бағрикенглик, кишилар ўртасидаги ҳамжихатликда кўради. Шу жиҳатдан Г.Э.Лессинг дунёқараши маърифатпарварлик ғоялари тарғиботида ўз исботини топди.

Г.Э.Лессинг диний бағрикенглик руҳини кўпроқ Шарқ маданиятида ифода этилганлиги хусусида Вольтернинг «Салб юришлари тарихи» («Geschichte der Kreuzzüge») ва Марин (François Louis Claude Marin, 1721–1809)нинг «Миср ва Сурия султони Салоҳиддин тарихи» («Geschichte Saladins Sulthans von Egypten und Syrien») номли тарихий манбаларидан фойдаланди. Адиб «Донишманд Натан» драмаси устида ишлаган кезларида (1751) Вольтернинг «Салб юришлари тарихи» эссесини таржима қилади. Бу эсседа насронийлар ва Шарқ маданиятидаги диний бағрикенглик ғояси учун курашган султон Салоҳиддин ва унинг 1187 йилда Қуддус шаҳрини қайта эгаллаши ҳақида ҳикоя қилинган. Бу вақтда салбчилар мусулмонларни бирма-бир қиличдан ўтказган ва уларнинг саркардаси: «Энди сен ҳам бизни, ёшу қарини қиличдан ўтказарсан» деганида, султон Салоҳиддин: «Биз мусулмонлар ёш болалар ва қарияларни ўлдирмаймиз. Ҳаммангиз озодсиз, шаҳардан чиқиб кетинглар», – дейди.«Донишманд Натан» драмаси мазмун моҳиятида Вольтернинг «Салб юришлари тарихи» эссеси ва Мариннинг «Миср ва Сурия султони Салоҳиддин тарихи» асарларидаги юқоридаги каби воқеликларакс этган. Г.Э.Лессинг, энг аввало, Шарқ маданиятидаги диний бағрикенглик тушунчаларини «Донишманд Натан» драмасида бош ғоя сифатида ифодалади.

«Донишманд Натан» драмасида бошидан охиригача динлараро тотувлик, толерантлик масаласи етакчи ўринда туради. Драмада тасвирланган қаҳрамонлар – яҳудий, насроний ва ислом дини вакиллари бир сахнада иштирок этишиб, драма охирида бир оила қавмлари бўлиб бирлашадилар.

Драманинг бошланишида қон-қардошлик ҳақида асарнинг изоҳ берилмаган. Булар драма ривожини давомида (Реҳанинг асраб олиниши, роҳибнинг афв этилиши, Реҳанинг роҳиб томонидан қутқариб қолиниши) турли сахна кўринишлари орқали очиқ берилади. Драмадаги воқеалар, асосан, Натан уйида, Султон Салоҳиддин саройида ва насронийлар дафн этилган жойдаги хурмо дарахти остида бўлиб ўтади. Шу жойлар уч дин (яҳудий, ислом ва насроний) вакиллари учун жуда қулай шароит яратади. Адиб асар сюжетини шакллантиришда классицизм, романтизм ва реализм анъаналаридан самарали фойдаланган. Драмада муаллиф антик драма қонуниятларига таяниб, уч бирлик – замон, ҳаракат, макон бирлигида воқеаларни тасвирлайди.

